

## ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎРГАНИШДА КЎНИКМАЛАРНИНГ ЎРНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7625948>

ELSEVIER



Foundation of Advanced Research &amp; Education's

**Низамова Феруза Алимуллаевна**Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди  
Тел.: +998909047098

Received: 08-02-2023

Accepted: 09-02-2023

Published: 22-02-2023

**Abstract:** Низамова Ферузанинг “Хорижий тил ўрганишда кўникмаларнинг ўрни” номли мақоласида ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлган юртимиз келажагини яратувчи ёшларга шарқ тилларини ўргатиш, уларнинг ушбу тилдаги оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш тизими билан таништириш, соҳадаги маҳорат қирраларини аниқлашдек мақсадни ўз олдига қўйган.

**Keywords:** Language, oral, written, exercise, sentence, text, translation

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

**Feruz Nizamova**Executive docent of the Chair of “Uzbek language  
and Classic Oriental literature”

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF

UZBEKISTAN Tashkent, Uzbekistan

Mail: nizamovaferuza@iiau.uz



Foundation of Advanced Research &amp; Education's

Received: 08-02-2023

Accepted: 09-02-2023

Published: 22-02-2023

**Abstract:** The article of Nizamova Feruza “The role of skills in learning a foreign language” are teaching of eastern languages to young people, who are creators of future of our country, acquaintance with the system of increasing their oral and written speech in this language and defining the range of skills in the field

**Keywords:** Language, oral, written, exercise, sentence, text, translation.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Foundation of Advanced Research &amp; Education's

Received: 08-02-2023

Accepted: 09-02-2023

Published: 22-02-2023

**Abstract:** Данная статья Низамовой Ферузы “Роль навыков в изучении иностранного языка” ставит перед собой такие цели как обучение восточных языков представителям молодого поколения, которые являются создателями будущего нашего государства, ознакомление с системой повышения их устной и письменной речи в этом языке и определение граней мастерства в этой области.

**Keywords:** язык, устный, письменный, упражнение, предложение, текст, перевод..

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

**Кириш**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни ва Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини таъминлаб берувчи асосий омил сифатида намоён бўлиб, ушбу ҳужжатларда замон талабларига мувофиқ бўлган барча шарт-шароитлар ва ҳаммадан аввал инсон манфаатларининг устуворлигини

таъминловчи имкониятлар, унинг эҳтиёжларини амалга ошириш масалалари билан бир қаторда рақобатбардош, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш асослари белгилаб қўйилган.

Форс тили Ўзбекистонда қадим замонлардан ўрганилиб келмоқда. Ўтмиш маданий меросимизнинг каттагина бир қисми форс тилида ёзилган. Ҳозирги форс тили Эроннинг давлат ва адабий тилидир. Форс адабий тилининг таянч диалекти – Техрон диалектидир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос грамматик хусиятлари, луғавий ўзгаришлари ва маълум ёзув системаси бўлган.

### **Материал ва усуллар**

Ҳозирги пайтда форс тили Ўзбекистонда илмий ва амалий мақсадларда ўрганилади. Давлатимизнинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалари мустақамланиб бораётган бир пайтда чет тилларини, жумладан, шарқ тилларини мукамал билувчи, салоҳиятли филологлар, таржимашунослар, синхрон-таржимонларни етиштириб бериш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунда Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимига чет тилларини ўргатиш бўйича халқаро таълим стандартларини жорий қилиш ва “чет тилларини эгаллашнинг Умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” даражаларига асосланиш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш, ўқитиш жараёнида юқори натижаларга олиб келади. Таълим усулларини ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни турли-туман замонавий усуллар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишини таъминлайди. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда интерфаол усулларни қўллаш ва таълим олувчиларни оммавий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Бу усуллар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди.

### **Натижалар**

Юртимиз келажагини яратувчи ёшларга шарқ тилларини ўргатиш, уларнинг бу тилда оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Энди бир оз ёзиш кўникмаси ҳақида тушунтириб ўтсак. Чет тилини ўқитишда ёзишни ўргатиш ўқишга ўргатишга ўхшаб икки мақсадда амалга оширилади: биринчиси, тил ўрганувчилар эшитиш ёки

ўқиш орқали ўзлаштирган сўз ва грамматик қоидаларни ёзувда ифодалаш ва иккинчиси алоқа ўрнатиш учун. Фақат сўнгги ҳолатда ўзига хос қоидалар ва нозикликларни ўз ичига олган ёзиш кўникмасини тарбиялаш керак.

### Муҳокама

Тил ўрганувчи ўқиш кўникмаси билан танишган ва ҳарфларнинг ўзаро бир-бирига алоқаси ва товуш билан фарқини тушунган пайтдан бошлаб, форс тили мисолида оладиган бўлсак, тил алифбоси ҳарфларини ёзишни машқ қила бошласа бўлади. Она тилисида лотин ҳарфлари ишлатиладиган тил ўрганувчилар ўнгдан чапга қараб ёзиш кўл ҳаракатини машқ қилишлари керак. Ҳар бир ҳарфни алоҳида ёзишни ва уларни қандай қилиб бир-бирига қўшишни, ҳудди рассом шогирдини кўлидан тутиб ўргатганидай, кўл ҳаракатини ўрганишлари керак. Ҳарфларни ўрганишга бағишланган машқлардан сўнг, тил ўрганувчи алоҳида сўзлар ва сўз бирикмаларини ёзиш билан танишади. Шунини эслаб ўтиш лозимки, ўқишнинг бошиданок “алиф” дан “ё” гача ҳамма ҳарфларни билиши шарт эмас. Ўқитувчи масалан, фақат د و ز ر تўртта ҳарфини ўргатганидан кейин тил ўрганувчилар билан “در، زرد، زور، روز” каби сўзларини машқ қилиши, ҳатто диктант ёздирishi мумкин. Шундан сўнг ҳар дарсда бир-икки ҳарфни ўргатиб, тил ўрганувчилар матнлардаги “эшитиш ёки ўқиш” орқали ўрганган сўзларини машқ қилдириши ва шу сўзлар билан гап тузиши ҳамда диктантни гап даражасида ўтказиши мумкин.

Ҳарф ва сўзларни ёзишни ўргангандан кейин, тил ўрганувчилар эшитиш, ўқиш ва суҳбат дарсларида ўрганган матнларини кўчириб ёзишлари ва ундаги машқларни ёзма шаклда ҳам бажаришлари мумкин. Бу босқичдан сўнг ёзиш машқларини хатбоши даражасида амалга ошириш мумкин. Шу тариқа эшитиш ва ўқиш дарсларида ёд олган сўз ва грамматик қоидаларидан фойдаланиб, бир хатбошидан иборат материал тайёрлаш ва тил ўрганувчилардан грамматик қоиданинг бир кўринишини ўзгартириб, хатбошидаги гапларни кўчириб ёзишни сўраш мумкин. Масалан, биринчи гапдаги “من” олмошини “ما” га ва “انها” ни “او” га ўзгартириб ёздирилади. Шундай қилиб, тил ўрганувчилар фақат гапни кўчириб ёзмайдилар, балки янгидан матн тузадилар.

Алоқа ўрнатиш мақсадидаги ёзишни ёзиш кўникмаси деймиз. Дарсдан ташқари ижтимоий ҳаётда ёзма нутқни турли мақсадларда амалга оширамиз ва уларнинг баъзилари қуйидагилардан иборат:

Телефон орқали берилган хабарни ёзиб олиш, дўстлар ва идоралар билан ёзишмалар, харид қилиш рўйхати ёки таклифнома, табрикнома, кундалик хотиралар, мақола, ҳикоя ва бошқа адабий асарлар ёзиш ва ҳ.к. Бугунги ривожланган жамиятда алоқа ўрнатиш учун ёзишдан кўра кўпроқ

эшитиш, ўқиш ва оғзаки нутқдан фойдаланишади. Аммо кўпинча ўқишни давом эттириш ёки тадқиқот учун форс тилини ўрганишга бел боғлаган бизнинг тил ўрганувчиларимиз таҳсилотга оид ишларини амалга ошириш учун ёзишга эҳтиёжлари мавжуд. Улар тадқиқот олиб борган ишлари бўйича ҳисобот ёзиши, имтиҳон топшириши, ўқиган ёки эшитган маълумотларини конспект қилиши, ўқитувчининг айтган сўзларини ёзиб олиши ва таҳсил жараёнидаги кўпгина ишларини ёзишга эҳтиёжлари бор.

Тил ўрганувчи ёзиш кўникмасини эгаллаши учун суҳбатдош томон қандай киши ёки кишилар эканини билиши керак; матн таркиби билан таниш бўлиши, унинг ниятини ифодалаш учун қўлланувчи сўз ва ибораларни эгаллаган бўлиши керак, токи гапирувчи томоннинг ҳолатига қараб, ўзининг муддаосини муносиб сўз ва иборалардан фойдаланиб ёзма нутқ орқали акс эттирсин. Бундай маълумотларга эга бўлиш учун эса дарсда қуйидаги машқлар бажарилади.

Тил ўрганувчига битта гап берилади, у шу гап асосида ва ўзи биладиган сўзлардан фойдаланиб шунга ўхшаш гаплар тузади; тил ўрганувчига бир матн (бир абзац) берилади, унда баъзи сўзлар (фeyл, от, сифат, равиш)ни керакли шаклда ёзади; тил ўрганувчи берилган жадвал, ҳарита, лойиҳа, расм ва шу каби нарсалар асосида бир-бирига лойиқ гаплар тузилади; берилган содда гап асосида қўшма ва мураккаб гаплар тузилади; бир матннинг гаплари тартибсиз шаклда берилади, тил ўрганувчи ўз онгидаги билимига таяниб, гапларни тўғри тартиблаши керак; матн берилади ва у бўйича қўйилган саволларга жавоб беради ва жавобларини бир изчил матн тарзида ёзиб чиқади; тўлиқ бўлмаган ҳикоя ўқишга берилади, тил ўрганувчи ундаги тушириб қолдирилган жойларини тўлдириши керак.

Матннинг мазмунини тайёрлаш бўйича қуйидаги машқлар тавсия қилинади:

1. Тил ўрганувчиларни икки кишилик гуруҳларга тақсимлаймиз ва ҳар икки кишига форсий забон ёзган бир хилдаги матнлар берилади. Гуруҳдаги икки кишининг ҳар биридан ёзма матнга диққатини қаратишни ҳамда бу икки матндаги ўхшашликлар ва фарқларни бадиийлик, услуб жиҳатидан аниқлаш сўралади. Шундан сўнг ҳар гуруҳдан ўз кузатувчиларининг натижасини ҳамсинфларига гапириб бериш ва барча гуруҳ аъзоларидан айтилган гапларни ёзиб олиш сўралади.

2. Ҳар бир тил ўрганувчига савдо аҳлининг бир мактубини (ёки бирорта матн) берамиз. Ундаги мактубни ўқиб конспект тузишни сўраймиз. Шундан сўнг ёзиб олган конспекти асосида савдо бўйича бир мактуб ёзишни ва ёзган нарсасини асл мактуб билан қиёслаб, қанчалик олган маълумотини хатида акс эттира олганини аниқлаш сўралади.

3. Ёзув тахтасига бир мавзуни ёзамиз. Масалан, “Бойлик яхшими ёки илмми?” шундан сўнг тил ўрганувчилардан ўз фикрларини бирма-бир ёзишлари сўралади. Тил ўрганувчиларнинг нуқтаи назарлари тахтага ёзилади. Уларнинг ҳар биридан нима учун бундай фикр билдирганликларини сабабини сўраймиз. Шу тариқа барча гуруҳ аъзоларини бир муддат баҳс олиб боришга ундаймиз. Шундан сўнг тил ўрганувчилардан дарсдаги баҳс асосида тахтада бир мақола ёзишларини сўраймиз.

### **Хулоса**

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тил ўрганувчини ёзиладиган мавзуига маънавий жиҳатдан “В” бандда кўрсатилганидай тайёрлаш учун ўқитувчи ёрдамлашиши керак. Ўқитувчи мавзуни тил ўрганувчиларга бериб, мавзу бўйича билганларини ёзишни ва ундан сўнг баҳолаш учун ўқитувчига топширишни талаб қилиш керакмас, балки ўқитувчи тафаккур стратегиясида ва дилидаги бор нарсани қоғозга туширишда ҳамда ёзмоқчи бўлган гапларини тартибга солишда, ниҳоят, ёзиш жараёнида тил ўрганувчиларга ёрдамлашишлари шарт.

Ва ниҳоят, тил ўрганувчи ўқитувчисининг ёрдамида юқоридаги дарс жараёнида бажариладиган амаллар давомида шуни билиши керакки, ҳар бир матн махсус бир мақсад юзасидан ёзилади ва уни ёзишда муайян бир кўзда тутилган томон бўлиши керак ҳамда бундай алоқани ўрнатишда шунга мос грамматик таркиблар ва мантикий жумлалар қўлланади. Юқорида қайд этилган фаолиятларда тил ўрганувчи нафақат алоқа ўрнатиш учун турли тил кўникмаларини ишга солади, балки уларнинг табиий бўлганлиги ва дарсдаги барча тил ўрганувчилар бир-бирларига суяниш хиссини туйиши сабабли тилга қизиқишнинг ошишига, тилга ижобий қараш, ўрганиш ҳисси пайдо бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. - Т: 2001. - 68 с.

2. Азизхўжаева Н.Н.. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. -Т., 2006.

3. Akmalkhonov A. ON THE WORDS NOT INFLECTED FOR CASES BY ABU YA'KUB SAKKOKIY // Theoretical & Applied Science. - 2020. - №. 2. - С. 543-547.

4. АКМАЛХОНОВ, Акмалхон. "ABU YAQUB SAKKOKIY'S VIEWS ON THE PLACE OF LETTERS LAM, MIM, VAV IN WORD." Иностраные языки в Узбекистане 2 (2019): 13-19.

5. Arifdjanov, Z. T. (2020). THE STRUCTURE OF PERSIAN VERBS AND THEIR ROLE IN WORD FORMATION. *Theoretical & Applied Science*, (7), 420-423.

6. Djafarov, B., & Arifdjanov, Z. (2021). ISSUES IN SEMANTIC STUDY OF TURKIC LOANWORDS IN PERSIAN. *Theoretical & Applied Science*, (6), 350-352.

7. Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам. -Москва, 2003.

8. Sayidirahimova, N.S. (2020). General Theoretical Aspects In Synchronical Typological Learning Of English Adverbs (Adverb Goals) // Published in *International Journal of Research* Available at <https://edupediapublications.org/journals>. Available online: <http://edupediapublications.org/journals/index.php/IJR/> P. -Indiya., 2020. P. 384-398.

9. Sayidirahimova, N.S (2020). Semantic classification of the syntax antonyms of uzbek language // *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*. -Philadelphia, USA, 2020. P. 671-673.

10. Nizamova, Feruza (2019). Technological Issues and Innovative Solutions of Learning Ruba'is of Amir Khusrow Dehlavi // *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, ISSN: 2278-3075 (Online), Volume-9 Issue-2, December 2019, Page No. 4792-4798. <https://www.ijitee.org/download/volume-9-issue-2/>

11. Nizamova, Feruza (2020). Study of Amir Husrow Dehlavi s rubais. *The Light of Islam* 2020 (3). 150-158.

12. Djafarov B. TURKIC LOANWORDS IN THE PERSIAN LANGUAGE AND THEIR LEXICAL-SEMANTIC GROUPS // *Theoretical & Applied Science*. - 2020. - №. 7. - C. 389-392.